Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 22 июль, шанба • № 58 (10.734) • Эркин нархда сотилади

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИГА, ҒАЛЛАКОРЛАРИГА, БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Пойтахт вилоятининг ғаллакорлари давлат омборларига 216 минг тоннадан кўпроқ дон етказиб бергани ҳақидаги хабарни эшитиб ғоят мамнун бўлдим.

Шу қадар рекорд миқдорда дон тайёрланиши — Ўзбекистоннинг ғалла ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшилган муносиб ҳисса, Тошкент вилоятидаги барча қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати натижасидир. Вилоят меҳнаткашлари республикамизнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлиги йўлида куч-ғайратларини ҳеч қачон аяган эмас.

Ғаллазорларнинг шонли меҳнатчилари, сизларга чин юракдан мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, олижаноб меҳнатингизда янги зафарлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов.

ТОШКЕТ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Тошкент вилояти деҳқонлари давлатга ғалла топшириш мажбуриятини шараф билан бажардилар. Хирмонга 216 минг тоннадан кўпроқ дон уюлди. Суғориладиган ердан олинган ҳосил гектар бошига ўртача 31 центнердан кўпроқни ташкил этди.

Ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

БЕКОБОД ШАҲРИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг энг муҳим индустриал-металлургия марказларидан бири — Бекобод шаҳрининг 50 йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 1995 йил август ойининг учинчи ўн кунлигида Бекобод шаҳрининг 50 йиллигини байрам қилишга бағишланган тантанали тадбирлар ўтказилсин.

2. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

Бекобод шаҳрини 1995—1996 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ободонлаштиришга оид тадбирлар мажмуини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ҳамда амалга оширсин.

Объектлар қурилиши ва ободонлаштириш ишлари Тошкент вилояти, Бекобод шаҳрининг маҳаллий бюджети ва корхоналар, ташкилотлар ҳамда ҳомийларнинг улушлари ҳисобига амалга оширилсин.

Бекобод шаҳрининг алоҳида ўрнак кўрсатган илғорлари, ишлаб чиқариш новаторларини мукофотлаш тўғрисида белгиланган тартибда таклиф киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудий-ташкилий бўлимига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 20 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнини кучайтириш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш механизмини соддалаштириш, республикага хорижий сармоялар оқимини рағбатлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорти соҳасида рақобат муҳитини вужудга келтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасида нотариф чоралардан тариф асосида тартибга солиш чоралари сари босқичма-босқич ўтиш ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси:

— Ўзбекистон Республикасида ташқи савдони тариф ва нотариф асосида йўлга қўйиш тартибини белгиловчи ҳукумат қарорини бир ҳафта муддат ичида қабул қилиб, бунда меъёрланадиган ва лицензияланадиган товарлар рўйхати анча қисқартирилишини кўзда тутсин;

— тариф асосида тартибга солиш чоралари юзасидан қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш мақсадида божхона ҳақи ставкаларини кўриб чиқувчи идоралараро комиссия тузилсин. Комиссия заруратга қараб божхона ҳақи ставкаларини ўзгартиришга оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқлаши учун тақдим этсин.

3. 1994 йил 21 январдаги 745-сон Фармоннинг товарлар импортидан бож ҳақи олишни бекор қилишга оид 14-бандининг амал қилиш муддати 1995 йил 1 октябргача узайтирилсин.

4. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари импортини нодавлат мулкчилик шаклларига асосланган ташқи савдо фирмалари тендер шартлари асосида амалга оширадилар.

Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчи ташқи савдо фирмаларини давлат йўли билан рўйхатга олиш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги зиммасига юклансин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фирмаларга Ўзбекистон республика валюта биржасида пул алмаштиришда устун ҳуқуқ берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 1994 йил 21 январдаги 745-сон Фармоннинг меъёрлашга, лицензиялашга, бож ҳақига ва экспорт чеклашларига тааллуқли 3, 4, 5, 6-иловаларининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори чиққан пайтдан бошлаб ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 июль.

Вилоят ҳаёти: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН ЁМБИЛАРИ

20 июль куни «Ўзолмосолтин» уюшмасининг Ангрендаги олтинни ажратиб олиш фабрикасида янги ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан тантанали митинг бўлди.

Корхона таъмирланганидан сўнг маъданни бойитиш бўлими, юк қўтаргичлари бўлган очиқ омбор ва қайта ишланган жисмлар сақланадиган жойлар, бошқа технология янгиликлари ишга туширилди. Айни пайтда ишлаб чиқаришнинг қимматга тушадиган ва зарарли жараёнлари технологиядан чиқариб ташланди.

Корхонанинг таъмирланиши таркибида олтин бўлган рудани қайта ишлаш ҳажмини икки баравар ва ундан кўпроқ ошириш, ажратиб олинадиган олтин миқдорини кўпайтириш, электр қуввати сарфини камайтириш, энг муҳими эса — яқин атрофлардаги конлардан қазиб чиқарилаётган рудадан олтин ажратиб олишни кўпайтириш имконини беради.

Митингда сўзга чиққан республика Бош вазирининг ўринбосари Юрий Пайгин барча иқтисодий қийинчиликларга қарамай Ангрен олтин ажратиш фабрикасининг жамоаси корхона олаётган фойда ҳисобидан ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга муваффақ бўлганини, бу эса давлатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам эканини таъкидлади.

«Ўзолмосолтин» уюшмаси раиси Шавкат Нажимов, фабрика ходимлари лойиҳачиларга, қурувчиларга, бу муҳим иншоотни таъмирлашда иштирок этган барча кишиларга миннатдорлик билдириб, яқин вақт ичида корхонанинг лойиҳадаги қувватини ўзлаштиришга ва 2000 йилгача унинг қувватини 3 баравар оширишга ваъда бердилар.

Корхона меҳнаткашлари бу меҳнат ғалабасини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишладилар.

(ЎзА).

Вилоят ҳокимлигида

АҲВОЛ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

ВИЛОЯТ ҳокимлигида армия ёшидаги йигитларни Ватан хизматига тайёрлаш, шунингдек, баҳорги чақирув якунлари, кузги чақирув юзасидан ташкил этилган комиссиянинг режа ва тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи П.Ражабов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда Олмалиқ шаҳар ҳокими муовини, шаҳар чақирув комиссиясининг раиси Н.Эшмуродов, Ангрен шаҳар ҳокими муовини Т.Муталлимов, Бекобод шаҳар ҳокими муовини Б.Содиқов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Йиғилишда асосан жойларда армияга чақирилувчилар билан ишлашдаги ютуқ ва камчиликлар, бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида гап борди, амалий таклифлар айтилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовини А.Раҳимбоев иштирок этди.

ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ. Туман маданият уйи ижодий жамоаси «Туркистон — умумий уйимиз» деб номланган тадбир билан туманда яшаб ижод қилаётган корейс халқининг миллий байрамини ўтказди. «Янгибозор», «Политотдел», «Ийк ота» жамоа хўжаликларида бўлиб ўтган мазкур тантаналарда пойтахтимиздаги корейс миллий маданият марказининг бир гуруҳ ижодий жамоалари, туман маданият ишлари бўлимининг корейс халқ ашула ва рақс ансамбли, «Муножот» ашула ва рақс халқ ансамбли, Ким Зоя раҳбарлик қилаётган «Жемчужина» рус халқ ашула ва рақс дастаси, Ботир Рихсибоев раҳбарлигидаги «Айдўст» қозоқ халқ ансамбли, Турғунали Мусаматов раҳбарлигидаги қозоқ халқ театри ижодий жамоалари ўзларининг турли жанрлардаги ранг-баранг дастурлари билан дўстларини муборакбод этдилар. Шу куни гузарлар, хўжаликларнинг маданият уйлари ва томошагоҳларида қизиқарли концерт томошалари бўлиб ўтди. Корейс халқининг миллий либослари, халқ хунармандчилиги кўргазмалари ташкил этилди.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

Зарбдор 45 кун


7-8 ТА БЎЛИҚ КЎСАК

Аҳмад ЯССАВИЙ номли жамоа хўжалигининг Эрмат Яхшиликов етакчилик қилаётган 18-бригадаси пахтакорлари зарбдор 45 кунлик ўтказиш ҳақидаги мурожаатга амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Зарбдорчасига меҳнат қилиб, ғўза парваришини обитобида олиб бормоқдалар.

— Пахта майдонларимизга иккинчи бор сув тараляпти, — дейди бригада бошлиғи Э. Яхшиликов. — Бу ишда А. Абдурасулов, Е. Яхшиликов сингари миришкор сувчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда. Экинни кўпроқ тунда ва заҳлатмасдан суғоришга эътибор беряпмиз. Ер етилиши билан тажрибали механизаторлар Ғайрат Анорқулов ғўза қатор ораларига пешма-пеш ишлов бермоқда.

Ҳа, 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан мўл «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилган миришкорлар даласида ҳосил чўғи чакки эмас. Ҳозирдаёқ ҳар туп ғўзада 7-8 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

А. МАТҚУЛОВ, Юқоричирчиқ тумани.



ТУРИ 65 ТАГА ЕТДИ

«Ўзбекистон қимё машинасозлиги» ҳиссадорлик жамиятида асосий маҳсулотдан ташқари турли хил кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Яқинда бу ерда ошхоналарда ишлатиш учун мўлжалланган яна бир рўзғор буюмини тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу билан корхонада ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлар тури 65 тага етди.

Бундан икки йил илгари эса ҳаммаси бўлиб 37 хил шундай моллар ишлаб чиқарилар эди. Бундай маҳсулотларни тайёрлаш эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8 фоиз ошди.

ЯНГИЙЎЛ шаҳрида янги болалар поликлиникаси иш бошлади. У яқин маҳаллалардаги 2500 нафардан ортиқ болага тиббий хизмат кўрсатади. Суратда: педиатр врач М. Абдуллаева болани тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

ТАШКИЛОТ ҚЎМИТАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2-8 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган биринчи Марказий Осиё ўйинларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Бош вазири Абдулҳошим Муталов бошқарди. Республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Собир Рўзиев биринчи Марказий Осиё ўйинларига тайёргарлик ишлари қандай бораётгани ҳақида ахборот берди. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шуҳрат Жалилов билан Тошкент ҳокимлиги қошидаги маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ўтказиш дирекциясининг директори Рустам Ҳамидов биринчи Марказий Осиё ўйинларини очиш ва ёпишга бағишланган тантанали маросимлар қандай ўтиши тўғрисида сўзлаб беришди.

Мажлисда бир қанча вазирлик ва идоралар раҳбарларининг, спорт иншоотлари директорларининг ахборотлари ҳам тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов мажлисга якун ясаб, барча вазирлик ва идоралар, ташкилотларнинг раҳбарлари биринчи Марказий Осиё ўйинлари ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтиши учун зиммаларига юклатилган масъулиятни чуқур англашлари лозимлигини таъкидлади.

Ташкилот қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов ва Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).



Ҳожимурод ака Акбаров 40 йилдан буён ўз механизаторлик касбини улуғлаб келмоқда. Дала меҳнаткашларининг оғир қўл меҳнатини енгиллаштираётган бу фидойи инсонни Зангиота туманидаги «Иттифоқ» жамоа хўжалигида танимаган одам йўқ. У меҳнат қилаётган хўжаликнинг 16-бригадаси деҳқонлари доим режаларини ошириб ado этишмоқда. Миришкорлар кунда шаҳарликлар дастурхонига тонна-тонналаб сарҳил янги сабзавотлар етказиб бермоқдалар. Бунда ўз касбининг моҳир устаси Х. Акбаровнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Суратда: тажрибали механизатор Ҳожимурод Акбаров.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«ДОКА-ХЛЕБ» ШАҲОБЧАСИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

ҚИБРАЙ туманидаги Тараққий қишлоғида «Дока-хлеб» фирмасининг шахобчаси иш бошлади. Новвойхона ҳозирча кунига 350 килограммдан хамир қориб, икки турдаги нон маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Бу ерда иш икки сменада ташкил этилган.

«Дока-хлеб» фирмасининг мазкур шахобчаси иш бошлаши билан қишлоқда яна 10 киши қўшимча ишчи жойи билан таъминланди.

А. ФОЗИЛОВ.

«ФАЙЗ» БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

ТУМАНДАГИ ёнариқ қишлоғида янги очилган дўкон харидорларга буюртма асосида мебеллар етказиб бера бошлади. Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидаги «Файз» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси билан тузилган шартнома асосида маҳсулотлар тўғридан-тўғри фабрикадан келтирилмоқда. Бу ўз навбатида буюртма мебелларнинг баҳоси давлат ва тижорат дўконларидагига нисбатан арзон бўлишига ёрдам бермоқда.

Янги очилган дўконда ёш келин-куёвларга имтиёзли хизмат кўрсатилади.

Ш.ОБИДОВА. Қибрай.

КИЧИК КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

ЯНГИЙЎЛДАГИ пахта тозалаш заводининг ишлаб чиқариш бўлинмалари яна биттага ортди. Бу ерда кичик корхона фойдаланишга топширилди.

Кичик корхонада пахта тозалаш саноати учун ниҳоятда зарур бўлган нотўқима газлама ишлаб чиқарилади. У пахтани тойлашда ўровчи материал сифатида ишлатилади. Илгари бундай материал бошқа жойлардан келтириларди. Бу албатта, анча машаққатли бўлиб, қимматга тушарди.

Асосан ўз мамлакатимизда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар ўрнатилган кичик корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам чакки эмас. Бу ерда ҳар йили икки миллион квадрат метр ҳажмда шундай газлама тўқилади. Тошкент вилояти пахтани харид қилиш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш давлат ҳиссадорлик бирлашмасининг бундай маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имкони вужудга келди. Бирлашма ҳар йили бир ярим миллион метр шундай материал ишлатади. Қолган беш юз минг метрини эса бемалол бошқа харидорларга сотиш мумкин бўлади. Бу эса вилоят пахта тозаловчилари учун қўшимча маблағ манбаи бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, уни ишга тушириш билан янги ишчи ўринлари очилди ва банд бўлмаган ўнлаб фуқаролар яратувчилик меҳнатига жалб қилиндилар.

М. ҲАМИДОВ.

ИШ БИЛГАННИНГ ИШИ ЮРИШАДИ

Пойтахтимизда қурилишлар тез суръатлар билан давом этяпти. У кўз ўнгимизда янада кенгайиб, обод ва кўркам бўлиб бораётир. Сирасини айтганда шаҳарни шаҳар қиладиган унинг чиройли, бетакрор бинолари, кенг ва равон кўчалари. Эшитишимга қараганда Тошкент шаҳри кўчаларига ётқизиладиган асфальт ва бетон қоришмаларни ягона асфальт-бетон заводи ишлаб чиқараётган экан. Мен газетангизда ана шу корхона меҳнат аҳлининг иши ва фаолияти ҳақида маълумотлар беришингизни сўрайман.

М. САТТОРОВ,
Чилонзор тумани,
Қатортол маҳалласи.

ИНТИЗОМ КУЧЛИ БЎЛСА...

Дарҳақиқат ўйлаб қарасак, Тошкентдай шаҳри азимнинг барча кўча ва майдонларини обод ва кўркам қилиш ишига ўз муносиб ҳиссасини қўшаётган ушбу корхона шу пайтгача ҳамма воқеалардан бохабар бўлиб турадиган кундалик матбуот эътиборидан четда бўлиб келибди. На бирор газета ва на бирор жаридада шу корхона ҳақида ҳеч нарса ёзилмабди. Яқинда ўз соҳаси бўйича якка-ю ягона ҳисобланган ана шу корхонада бўлиб, унинг ҳаёти билан яқиндан танишдик. Ям-яшил далалар, боғроғларга бурканган Хонобод қишлоғи ҳудудида жойлашган заводнинг шу ерда ишлай бошлаганига йигирма йилдан ошди. Ана шу давр мобайнида қишлоқни корхонасиз, заводни эса Хонободсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган бўлиб қолди. Қишлоқ деҳқонлари ишчилик касбини эгаллаб, корхона жамоасининг асосий ўзагига айландилар. Кўплаб ёшлар ўқув юртларини битиргач шу ерга келиб юқори малакали ишчи ва мутахассис бўлиб ишламоқдалар. Сирасини айтганда, завод раҳбари Собиржон Нишонов, унинг муовинлари Ҳамза Муҳиддинов ва Абдураҳмон Абдуқодировлар ҳам корхона атрофидаги қишлоқлардан.

Корхонада ҳозир 600 дан ортиқ киши ишламоқда. Уларнинг барчаси сараланган, бой тажриба тўплаган ишчи ва мутахассислар. Берилган топшириқни бажариш раҳбардан тортиб агрегат операторигача қонун. Чунки Тошкентда соҳа бўйича ихтисослашган ягона корхона бўлгани сабабли бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб катта. Бир зум бўлсада, бўшашувчанликка йўл қўйилса иш маромини бузилади, асфальт ёки бетон ётқизилаётган кўча ва майдонларда иш тўхтаб, кишилар бекор туриб қолишлари мумкин. Шу сабабли корхонада энг аввало меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бўшаштирмасликка эътибор берилярпти. Ҳамма ўзининг кечгача бажарадиган иш ҳажмини яхши билади, белгиланган соатларда уни бажариш учун ҳаракат қилади.

— Республикамиз Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида ҳозирги кунда тадбиркорларга кенг йўл очиш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш асосий масалалардан бўлиб қолди. Зеро, бу иқтисодий ислоҳотларнинг туб таркибий қисмидир,— дейди Собиржон Нишонов. — Президентимизнинг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорини бутун жамоа бўлиб атрофлича ўрганиб, муҳокама қилдик. Корхоналарни очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантириш масаласи айни вақтида кун тартибига қўйилмоқда. Вақти келиб корхонамиз ҳам очиқ турдаги акционерлик жамиятига айланиб, жамоа ўз мулкини ўзи идора қиладиган бўлади. Ишончимиз комилки, ўша пайтда ҳам завод ишчи ва хизматчилари ҳозиргидек ва бундан зиёда самарали меҳнат қиладилар.

...Завод шу кунгача 111,3 минг тонна асфальт қоришмалари, 2880 куб метр бетон маҳсулотлари, 94,7 минг куб метр норуда материаллар ишлаб чиқарди. Ҳар бир агрегат бир сменада 220 тоннадан, асфальт-бетон цехи эса жами 1320 тонна бетон тайёрлаб беряпти. Аммо корхона жамоаси агрегатларнинг бир кунлик қувватини 10 тоннага ошириш ва икки сменада қўшимча 120 тонна асфальт тайёрлаш тадбирларини амалга ошираётир. Бунинг учун эса корхонада куч ҳам, имкониятлар ҳам етарли.

КОРХОНАНИНГ ЮРАГИ ҚАНДАЙ УРЯПТИ?

Асфальт-бетон қоришмалари ишлаб чиқарадиган цехни заводнинг юраги дейишади. Ҳақиқатан ҳам корхонанинг қоқ марказида кеча-кундуз тиним билмай ишлаётган агрегатларнинг шовқини заводдан анча олислардан ҳам эшитилиб туради. Цемент, шағал, қум бор жойда чанг-ғубор, қизиган солярка бор ерда эса тутун албатта бўлади. Аммо корхона маъмурияти ва мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари билан агрегатлардан бурқсиётган тутун ва чанг атрофга тарқалмай шу ернинг ўзига чўкиб қоляпти.

— Агрегатлар икки сменада ишлайди. Уларни 12 та бригада бошқаряпти. Учинчи смена эса машиналарни ювиб тозалаш, созлаш билан ўтади. Асрабавайлаётганимиз учун ҳам бузилиб, тўхтаб қолиши сингари фавқулодда ҳодисалар жуда кам. Онда-сондагина рўй беради,— дейди цех бошлиғи Шомурод Турсунов.

Унинг асосий иш жойи ҳовлининг бир томонидаги мўъжазгина битта хона. Аммо у бу ерга деярли кирмайди. Вақтини агрегатларнинг ёнида ўтказади. Ҳозир ҳам асфальт юкланган машинани жўнатаркан бригада бошлиғи Салоҳиддин Муҳиддиновни ёнига имлаб чақирди. Агрегатларнинг шовқинида имо-ишора билан гапиришга кўникиб кетишганидан бўлса керак, Салоҳиддиндан қичқириб сўраркан, қўли билан барабан новидан самосвал машинага тўкилаётган қоришмага ишора қилиб кўрсатди:

— Лаборантлар намуна олишдими? Уларнинг эътирози йўқми? Нима дейишяпти?

Салоҳиддин «ҳаммаси жойида» эканлигини ишора қилиб, Шомуродни хотиржам қилмоқчи бўлди. Аммо цех раҳбари лаборант Замира Ёқубжонованинг навбатдаги машинадан текшириш учун қоришма нусхасини олиб бўлишини кутиб турди-да, сўнг у билан бирга марказий лабораторияга кетди. Бу ерда ҳам иш қизғин бораётганди. Машина ва ускуналар бир маромда ишлар, лаборантларнинг бутун диққат-эътибори бетон ва асфальт қоришмаларнинг сифатини аниқлашга қаратилган. Титратгич ускунасида қоришманинг қаттиқлиги, чўзилувчанлиги ва эгилувчанлиги текширилаётган бўлса, пресс машинада ёпишқоқлиги аниқланмоқда эди.

Сирасини айтганда Шомурод Турсуновнинг бир оёғи агрегатлар ёнида бўлса, иккинчи оёғи марказий лабораторияда, кунига неча-неча марталаб келиб маҳсулот сифатидан шахсан ўзи хабардор бўлишга ўрганиб қолган. Лаборатория ходимлари ҳам цех бошлиғининг бу «қилиғи»га кўникиб кетишган. Шу сабабли лаборатория бошлиғи Нурия Мўминова навбатдаги машина ортиб олган асфальтга сифат ҳужжати ёзаркан, иш орасида Шомуродга «хотиржам бўлинг» деб қўйди.

Нурия лабораториянинг энг «кекса» ходимларидан бири. Ўн икки йилдан бери шу ерда ишлаяпти. Етакчи муҳандис Наталья Боличева, лаборант Гулзифа Ляхова, Ирина Сумкевич ҳам умрини шу ерда ўтказаётган ходимлар. Уларнинг барчаси ҳам бир қарашдаёқ қоришманинг сифатини аниқ-тиниқ айтиб бераоладиган даражада тажрибали, ўз ишига пишиқ-пухта лаборантлар. Худди шуларнинг ташаббуси билан яқинда кўчаларга ётқизилган асфальтдан бирор ой ўтказиб нусха олиш ва текшириш ҳам русум бўлди. Умум иши учун фойдаси теккани сабабли корхона маъмурияти ҳам лаборатория ходимларининг бундай «ўзбошимчалиги»ни қўллаб-қувватлади.

...Навбатдаги буюртма ҳақида телефонограмма олиниши билан Шомурод Турсунов барча бригада бошлиқларини ишхонасига чорлади. Уларга вазиятни тушунтираркан, Салоҳиддин Муҳиддинов бошлиқ бригадасига Собир Раҳимов туманидаги Қамарниса кўчасига, Валижон Бойматовга Фурқат кўчасига, Жаҳонгир Юнусовга Истироҳат кўчаси ва Отчопарга қатнаётган автомашиналарга қоришма беришни топширди. Самосвал машиналарни ҳам шу тарзда тақсимлагач, қаттиқ тайинлади:

— Автомашиналар ағрегат тагида бир дақиқа ҳам бекор туриб қолмасин...

ЭРНИНГ ИШИ ЭЛ БИЛАН

Заводда ёрдамчи хўжалик очиладиган бўлганда «бетон қориш қайда-ю, деҳқончилик қайда? Бундан ташқари корхона даланинг ўртасида жойлашган, ҳаммаёқ сабзавот, полиз ва боғроғ бўлса, ёрдамчи хўжаликка зарурат бормикан?» дегувчилар ҳам топилганди. Ҳартугул кўпчилик янги таклифни маъқуллаб, чорва фермаси ва иссиқхона ташкил қилинадиган бўлди. Бир жиҳатдан бу ишга қўл уриб тўғри қилишди. Нечоғлик фойдали ишга киришилганлигини вақт ҳам тасдиқлади. Ҳозир чорвачилик фермасида 35 бош корамол, 330 бош чўчқа сўкимга боқиляпти. Ҳар ўн кунда уч-тўрт бош чўчқа ва бир хўкиз гўштга сўйилаётир, улар бозор баҳосидан анча арзон нархда жамоага сотиляпти. 44 сотих ерда ишлаб турган иссиқхонада етиштирилган помидор ва бодринг ҳам шу кунгача арзон баҳоларда қишин-ёшин ишчи ва хизматчилар ўртасида тақсимланди.

— «Наврўз», Ҳайит, Галаба байрамларида ҳар бир ишчига икки килограммдан янги сўйилган гўшт, бодринг ва помидорни бепул бердик. Ҳозир ҳам кимга қанча керак бўлса помидор ва бодрингни арзонгина баҳода айтган кунида ҳозирлаб беряпмиз. Бозор муносабатлари даврида бундай ёрдамнинг аҳамияти ҳақида эслатиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, — дейди завод раҳбари Собиржон Нишонов.— Энг муҳими бу ишдан жамоа ҳурсанд. Шунинг учун ҳам ҳозир ёрдамчи хўжаликни кенгайтириш, моллар бош сонини кўпайтириш масаласини кун тартибига қўяяпмиз.

Заводда 600 дан кўпроқ киши ишлаётганини айтдик. Иқтисодий қийинчиликлар даврида бошқа корхоналарда иш ўринлари қисқартирилиб, кўплаб ишчилар бўшатилган бир пайтда асфальт-бетон заводида бунга йўл қўйилмади.

— Тўғри қилган эканмиз, — дейди С. Нишонов.— Ишчи ва хизматчилар йиллар давомида сараланиб ва сайқалланиб, тажрибалари ошиб, юқори малакали ходимларга айланган эдилар. Вақтинчалик иқтисодий қийинчилик даври ўтиб боргани сари уларнинг ишлаб чиқаришдаги ўрни ва роли нақадар муҳим эканлиги энди билинмоқда.

Заводда уларнинг унумли ишлаш ва яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Тоғли ва ҳушманзарали Сижжак қишлоғида ва Тошкент денгизи қирғоқларида дам олиш масканлари ташкил этилган. Ишчилар бу ерга бепул йўлланмалар билан бориб, ҳордиқ чиқариб қайтмоқдалар. Корхонанинг ўзида дам олиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш хоналари ташкил этилган.

Суҳбат мазмуни ўз-ўзидан иқтисодий ислоҳот, ишчи ва хизматчиларга ғамхўрлик, ободонлаштириш, теварак-атрофдаги қишлоқ ва маҳаллаларга оталиқ ёрдами томонга бурилди.

— Боя корхона жамоасининг аксарият қисми шу ердаги қишлоқлардан эканлигини айтгандим, — деб сўзида давом этди С. Нишонов.— Шу сабабли уларнинг хонадонлари, қишлоқ ва маҳаллаларнинг ободончилигини ҳам корхона ўз зиммасига олди. Ҳамир учидан патир деганларидек, дастлаб ишни қишлоққа 5,5 километр қувур ётқизиб 260 хонадонга табиий газ келтиришдан бошладик. Ишчиларнинг фарзандлари тарбияланаётган оталиғимиздаги 17-болалар боғчасини ҳам таъмирлаб, шийпон қуриб бердик, водопровод ва иссиқ сув ўтказдик. Қўшқўрғон қишлоғида бир пайтлар фахрийлар чойхонаси бўлгучи эди. Кейин аста-секин бу ердан кишиларнинг оёғи тортилиб, ҳувиллаб қолди. Қишлоқ кексалари билан бўлган учрашувда отахонлар шу чойхонани тиклаб беришни илтимос қилишди. Бу ишни ҳам зиммамизга олиб, чойхонани таъмирлаб, йўлларни кенгайтириб, Ғалаба куни шу ерда қишлоқ фахрийларининг байрамини тантанали ўтказдик.

Завод маъмурияти яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Хонобод маҳалласи аҳолиси йиғилиш ўтказиб, шу ерда янги болалар боғчаси қуриш учун ёрдам сўраб асфальт ва бетон заводи раҳбариятига мурожаат қилдилар. Корхона раҳбарияти бу масалани ҳам муҳокама қилиб, ижобий ҳал этадиган бўлди. «Мустақиллик» хўжалигидан боғча ва бошқа иншоотлар қуриш учун бир гектар ер ажратилди. 500 ўринли боғча ва унинг ёнида қад ростлайдиган қишлоқ гузарининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Энди навбат қурилишга. Савобли иш қилсанг бутун қил, деб шунга айтадилар-да.

Дарвоқе, завод раҳбарининг қабулхонасида Хонобод маҳалласи оқсоқоллари билан ҳам кўришиб қолдик. Улар ниҳоятда хурсанд эдилар. «Яхшиямки, қишлоғимизда ана шундай завод қурилган экан, дедилар, бирор ёрдамга муҳтож бўлиб қолсак, мурожаат қиламиз, йўқ дейишмайди. Мана, энди маҳалламиз болалар боғчасигина эмас, яхшигина гузарли ҳам бўлиб қолаяпти. илоё шу ишга қўл ураётган завод жамоаси барака топсин».

Эрнинг иши эл билан, деган нақл бор халқимизда. Эл ташвиши билан яшаган, унинг хизматига елка тутган сира ҳам кам бўлмайди.

Яқинда пойтахт кўчаларини томоша қилиб юрган бир қанча чет эллик жаҳонгашта меҳмонлар билан танишиб, суҳбатлашиб қолдик. Табиийки, гап айланиб, шаҳримизнинг ҳусни-жамолига келиб тақалди. «Уни шарқнинг машъали деб жуда тўғри таъриф беришган. Тошкент мен кўрган шаҳарлар орасида энг кўркам экан, кўриб бунга ишонч ҳосил қилдим. Муҳташам бинолари, хушманзара майдонлари ва айниқса кенг, равон, текис кўчалари билан ажралиб тураркан», деди у.


Шаҳримиз ҳуснига ҳуси бераётган кенг, равон ва текис кўчаларни барпо этишда эса Хоноободдаги асфальт-бетон заводи меҳнат жамоасининг ҳиссаси ва хизмати катта бўлаяпти.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.














Суратларда: 1. Ҳар бир иш куни завод раҳбарияти ва муҳандис-техник ходимларининг беш дақиқали маслаҳат йиғилиши билан бошланади.
2. Корхонанинг асфальт қоришмалари тайёрлайдиган агрегатлари бир зум ҳам тинмайди.
3. Асфальт-бетон цехи бошлиғи Шомурод Турсунов ва бригада бошлиғи Салоҳиддин Муҳиддинов.
4. Марказий лаборатория раҳбари Нурия Мўминова, лаборантлар Замира Ёқубжонова, Наталья Боличева, Ирина Сумкевич иш пайтида.
5. Иссиқхона ишчилари Тўлғаной Ниятова ва Мурот Абдураҳмонов помидор теришяпти.
6. Ветеринария врачи Лев Ли ва молбоқар Валентина Кибалина молларни парвариш қилишмоқда.

ДАВРОН АҲМАД олган суратлар.

Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан

МАҲАЛЛАЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

ЯХШИ КУНЛАРДА орқага бир назар ташлаб, босиб ўтган йилларимизни сарҳисоб қилиш анъанага айланиб қолган. Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги нишонланадиган кунлар яқин. Ана шу арафа олдидан у куни фуқаролар йиғини биносида ходимларимиз, маҳаллалар қўмиталари оқсоқоллари йиғилишди. Ярим йиллик ишларимиз хусусида фикрлашиб олиш билан бирга эришилган самаралар, келгуси режалар тўғрисида ҳам гаплашиб олдик.

Истиқлол вилоятимиздаги кўплаб қишлоқлар каби, бизнинг «Чоштепа»га ҳам қутлуғ келди. Бу, аввало, Президентимиз фармонларининг шарофати туфайлидир. Кейинги уч йилнинг ўзида қишлоқ аҳлига уй-жой қуриш учун ер ва ер участкалари бериш тўғрисидаги ҳужжатга мувофиқ, ҳудудимизда 150 нафар оила уйли-жойли бўлди. Улардан аксарияти уч-тўрт оиладан иборат зич хонадонларда яшаётган эдилар. Дала меҳнаткашларининг ичичидан севинаётганини кўрганимда беҳад хурсанд бўлиб кетаман.

Яқинда биринчи гуруҳ уруш ногирони Қурбон ота Боқиев билан мулоқотда бўлдим. У Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалигида истиқомат қилади. Отанинг боши осмонда, икки гапининг бирида, «юртбошимизга раҳмат, кўзим тириқлигида ерли бўлдим, ўғлим Жўра бошпана қурилишини битирай деб қолди, қилган меҳнатларимиз зое кетмади», дея роса миннатдорчилик билдирди.

Бутун умри меҳнат билан ўтаётган Зуҳра аянинг ўғли Тўлқин Жонибеков ҳам ана шу хўжаликда кўп йил ҳалол тер тўкди. Меҳнати эвазига ерли бўлди, тенгдошлари қатори уй қуряпти. «Наврўз» маҳалласида истиқомат қилувчи деҳқон фарзанди Ҳикмат Муслимов ҳам янги ҳовлига кўчиб ўтди. Худудимизда уйларини битириб, тўйлар, тадбирлар ўтказаётган оилалар анчагина. Тантаналарга Тугзор, Наврўз, Суннат Ҳикметов, Сабзавот, Гулзор маҳаллаларидаги кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари бош-қош бўлмоқдалар. Улар ёш оилаларга «Янги жойларда туп қўйиб, палак ёзинг» дея оқ фотиҳалар бермоқдалар.

«Чоштепа»да тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам эътибор ортиб боряпти. Хусусан, икки йилдан буён «Наврўз» маҳалласида Ҳусниддин Солиҳўжаев новвойхона очиб, аҳолини иссиқ нондан баҳраманд этаётир. Халқа йўл чеккаларида хусусий дўконлар қурилиши йўлга қўйиб юборилган.

Ўтган тўрт йил ичида маҳаллалар кўрки ҳам ўзгарди. Сабзавот маҳалласида оталар чойхонаси қад кўтарди. Кексалар илтимоси билан масжид, новвойхона, ошхона фойдаланишга топширилди. Тутзор маҳалласида қўмита оқсоқоли Турғун Бекметовга аҳолидан ошхона ва чойхона қуриб бериш тўғрисида илтимос тушган эди. Бу иш амалга ошди. Ана шу бинолар ёнида маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида пойабзал таъмирлаш устахонаси ҳам қуриб берилди. Кўриниб турибдики, қишлоқда ислоҳотлар туфайли кўпғина тадбирлар амалга ошмоқда. Келажак режаларимиз ҳам йўқ эмас. Бундан буён фармонлар ижросини рўёбга чиқара бориб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, озиқ-овқат, саноат моллари хусусий дўконлари қурилишини йўлга қўйиш, тадбиркорликни янада ривожлантиришга кўпроқ эътибор берамиз. Ислоҳотларни жадаллаштириш, шу йўл билан аҳоли ҳаёти фаровонлигини ошириш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Д. ЙЎЛДОШЕВА,
Тошкент туманидаги «Чоштепа» фуқаролар йиғини раиси.

«Техника кўриги—95»

АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ЯРМИ НОСОЗ

ВИЛОЯТИМИЗ шаҳар ва туманлари ҳокимликлари томонидан тасдиқланган жадвалга кўра шу йил май ойида 478 та автохўжаликда техника кўриги ўтказилиши керак эди. Аммо техника воситаларининг қониқарсиз тайёрлангани, ҳайдовчиларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтмаганлиги, уларнинг ўз касбига лаёқати тўғрисидаги хулосанинг йўқлиги, қолаверса, солиқ, суғурта ва техника кўриги учун тўланадиган пуллар белгиланган муддатларда давлат хазинасига келиб тушмаганлиги учун ў фақат 293 та автохўжалик ва корхоналардагина ўтказилди.

Аввалambор, шуни қатъият билан таъкидлаш керакки, бу галги кўрикдан мутлақо кўнглимиз тўлмади. Кўрикка қўйилган 9964 та автомобил соз, деб топилган бўлса, 4489 тасининг талабга жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бу жами транспорт воситаларининг деярли қоқ ярмини ташкил этади. 3591 та транспорт воситаларида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига раҳна солувчи жиддий нуқсонлар аниқланди ва улардан фойдаланиш таъқиқланиб, давлат русуми белгилари ечиб олинди. 220 та автомашинанинг двигателларидан ажралиб чиқаётган зарарли чиқинди газлар миқдори меёрдан юқори, 69 таси эса ғайриқонуний равишда қайта жиҳозланган. 127 та транспорт воситасининг эса двигател, кузов, шасси ва рама сон рақамлари техник ҳужжатлардагисига монанд келмайди.

Келинг, яхшиси жонли мисолларга мурожаат қилайлик.

Оққўрғон туманида ўтказилган техника кўриги пайтида 849 та автотранспортдан 378 таси техник носоз, деб топилди. «Ўзбекбирлашув»га қарашли 10-автоколоннада 36 та транспорт воситасидан 16 таси (44,4 фоиз), туман Марказий касалхонасининг 47 та автомобилидан 29 таси (61, 7 фоиз), «Қаҳрамон» жамоа хўжалигининг 22 та автомашинасидан 16 таси (72,7 фоиз) фойдаланиш учун яроқсиз. Ангрен сопол идишлар комбинатига қарашли 37 та транспорт воситасидан биронтаси ҳам, 3-кўчма механизациялашган колоннанинг 47 та автоуловидан 32 таси кўрикдан ўтолмаганини қандай тушуниш керак? Хуллас, бу рўйҳатни узоқ давом эттириш, чунончи, Янгийўл, Олмалиқ шаҳарлари ва Пискент, Бекобод, Оҳангарон, Чиноз туманларидаги қатор автохўжаликларнинг номини айтиб ўтиш мумкин.

30 июнда давлат автотранспорт воситаларининг техник кўриги тугади. Аммо, бу носоз автомашиналар кўчаларда энди назоратсиз бемалол юраверими мумкин, деган гап эмас. Мутлақо. Техника кўриги — йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда энг муҳим тадбир эканлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳеч ҳожати бўлмаса керак. Шундай эрса-да, орамизда ҳадеб турли иқтисодий қийинчиликларни баҳона қилиб, масъулиятдан қутулиб қолишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Аммо улар шу нарсани яхши билиб қўйсинларки, носоз машиналар учун кўчаларимиз эшиги доим берк.

Д.ШУКУРОВ,
вилоят ДАН бошқармаси техника назорати бўлимининг бошлиғи, милиция майори.

САЛОМАТЛИККА КАФОЛАТ МАРКАЗ

- **Марказ майдони — 1,5 гектар.**
- **Шаҳарда шифобахш чашма.**
- **Сув ҳавзаси сиғими — 440 кубметр**
- **Ёпиқ сауна ва замонавий теннис корти ҳам бўлади.**

Куни кеча Оққўрғон шаҳрида «Саломатлик» маркази ишга тушди. Катта шаҳарлардаги дам олиш ва саломатликни тиклаш муассасаларидан сира қолишмайдиган бундай масканнинг очилишини кўпдан буён орзу қилиб юришарди. Ўша эзгу ният бугун амалга ошди. Туман марказий поликлиникаси қошида очилган янги муолажа маскани ўз мижозларини қабул қила бошлади.

«Саломатлик» мажмуи 1,5 гектар майдонни ишғол қилади. Ундан 22х12 метр ҳажмдаги катта сув ҳавзаси, душхоналар, қўл билан ва механик уқалаш хоналари, катта соябонлар ўрнатилган ҳордиқ чиқариш майдончалари жой олган. Дов-дарахтлар қуюқ соя ташлаб турган асфальт йўлкачалар сизни ўзингиз хоҳлаган ҳордиқ манзилига олиб боради. Масалаҳатгўй даволовчиларингиз ҳам шундоқ ёнгинангизда. Сиз доим марказий поликлиника шифокорлари паноҳидасиз.

Сиғими 440 куб. метр бўлган муздек зилол сувли чўмилиш ҳавзаси, мана шу ҳозирги жазирама саратон кунларида, айниқса, диққатингизни тортади. Кўлча ва унинг ёнидаги қуёш нурида тобланиш майдончаси бениҳоя кўркам. Ҳавзанинг ичи ва майдончага чиройли кафеллар тўшалган, бежирим тўсиқлар қўйилган. Истасангиз чўмилиб, шу ердаги катта соябонлар тагига қўйилган қулай ўриндиқларда ҳузур қилиб ҳордиқ чиқаришингиз мумкин.

Ҳавза суви ҳар ўн соатда янгилаб турилади. Уни шу ердаги артезиан қудуғидан отилиб чиқаётган маъданли сув чашмаси таъмин этяпти.

Бу ерга келувчилар саҳий табиатнинг бошқа неъматларидан ҳам баҳраманд бўладилар. Уларни поликлиника қошидаги дорихонада шифобахш доривор ўсимликлардан тайёрланган ичимликлар билан сийлашади.

Шифобахш ўсимликлар «Султонобод» ва «Гулистон» жамоа хўжаликларида шартнома асосида катта майдонларда ўстирилмоқда. Бу малҳам ичимликларнинг асаб, юрак, ошқозон-ичак ва бошқа касалликларни даволашда нафи жуда катгадир.

— «Саломатлик» марказида ҳали яна анча ишларни амалга оширишимиз керак, — дейди туман Марказий касалхонасининг бош шифокори Зиёб Ғиёсов. — Ҳозир душхона қурилишини бошлаб юборганмиз. Қишлоқ худудларида ягона замонавий теннис корти, усти ёпиқ сауна ва бошқа сув билан даволовчи бўлимлар қурилиши учун алоҳида майдончалар ҳозирлаб қўйилди. Бу ердаги теннис корти тумандаги ана шундай иккинчи спорт иншооти бўлади. Биринчи теннис корти бундан бир ярим йил бурун Марказий касалхона боғида ишга туширилган эди. Бу ердаги мусобақаларни бирйўла 200 ишқибоз томоша қилмоқда.

Янги дам олиш — даволаниш маркази республикамиз ҳукумати қишлоқ меҳнаткашларининг саломатлиги ҳақида кўрсатиб келаётган ғамхўрлигининг бир тимсолидир. У айни вақтда истиқлолимизнинг тўрт йиллик ва Оққўрғон туманининг 60 йиллик тўйига муносиб тўёна ҳамдир.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ЮҚУМЛИ МЕЪДА — ИЧАК КАСАЛЛИГИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

ЎТКИР юқумли ичак касалликлари энг кўп тарқалган касалликлардан биридир. Буларга ичбуруғ, ич терлама, паратиф А, В вабо, салмонеллёз ва бошқалар киради.

Касалликнинг яширин даври 2-5 кун давом этади, баъзан 20-25 соатгача қисқариши мумкин. Дастлаб бемор дармонсизлик, бош оғириши, кўнгил айнишидан арз қилади. Лекин касаллик тўсатдан ўткир бошланиши ҳам мумкин. Бунда қорин оғрийди, бемор қучаниб, ичи тез-тез (суткасига 20-25 мартагача ва бундан ҳам кўп) кетади. Дастлаб ахлатда шиллиқ ва қон бўлмаслиги мумкин, лекин, бир неча соат ичида у кўринади.

Баъзи беморлар бадан захарланиши натижасида қайт қиладилар. Ёш болаларда касаллик кўпинча оғир кечади: бола қаттиқ иситмалайди, хушидан кетиб, шайтонлайди. Агар оилада бирор киши ўткир меъда-ичак касаллиги билан оғриб қолса, дарҳол уйга врач чақириш керак. Шифокор келгунча беморни бошқалардан ажратиб ўрнига ётқизиш, унга алоҳида идиш-товоқ тутиш лозим. Бемор ётган хона озода, ёруғ бўлиши, уйининг ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш керак. У сифатли овқат ейиши керак. Бунда овқат калорияси етарли, таркибида оқсил, ёғ, углеводлар, минерал моддалар ва витаминлар бўлиши лозим.

Шифокор маслаҳат беради

Шунинг учун беморга пархез буюришда қуйидагиларни кўзда тутмоқ керак:

— иситмалаб ётган беморнинг оч қолиши мумкин эмас, чунки, очлик беморнинг қувватини баттар кетказади. Беморнинг иштаҳасини очадиган нарсалар бериш зарур.

— Юқорида айтилган қоидаларга риоя қилиб, ўткир меъда-ичак касаллиги билан оғриган бемор аҳволининг оғир ва енгиллигига қараб у бир неча соат, бир кунгача оч қўйилади, бу пайтда фақат чой, сутсиз кофе, какао, озгина ширинлик, қотган нон бериш мумкин. Сўнгра пархез овқат хили аста-секин кўпайтира борилади.

— Юқумли меъда-ичак касаллигининг олдини олишда санитария-гигиена қоидаларига пухта риоя қилиш керак. Сувни, албатта, қайнатиб ичиш зарур. Ичимлик сувининг доимо тоза бўлишини назорат қилиш керак. Юқумли ошқозон-ичак касалликларининг кўплаб тарқалишида сув муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги пайтда кўпгина шаҳар ва туманларда қишлоқ аҳолисини сифатли водопровод суви билан таъминлаш тўлиқ бўлгани билан сувнинг сифати санитария нормасига тўлиқ жавоб бермайдиган жойлар ҳам онда-сонда учрамоқда, бу эса биз тиббий ходимларни ташвишга соляпти.

Очиқ сув ҳавзаларининг ахлат ва зарарли нарсалардан ифлосланишининг олдини олиш учун тегишли ташкилот раҳбарлари, санитария ходимлари, қолаверса, бутун аҳоли назорат олиб борса, халқимизнинг саломатлигини муҳофаза қилишда ўз ҳиссаларини қўшган бўлардилар.

Ш. БЕКМИРЗАЕВ.
Тошкент вилоят Саломатлик маркази бош шифокори.

Шеърият

МЕН ШУНДАЙИН СЎЗГА ТЎЛДИМ ИЧЛАРИМДАН...



СИРОЖИДДИН САЙИИД тенгқур ижодкорлар орасида ўзига хослиги, услубининг ранг-баранглиги, оҳангларининг дилга яқинлиги билан ажралиб турадиган шоирлардан. Унинг бир қанча шеърий китоблари босилиб чиққан. Айни пайтда «Тафаккур» журнали таҳририятида хизмат қилиш билан бирга, янги-янги асарлар устида жиддий шуғулланмоқда. Куйида шоирнинг кейинги даврларда ёзган шеърларидан намуналар ўқийсиз.

***

Тахир бўлди муҳаббатим мевалари,
Ғубор ичра қолди яшил тепалари.
Қаёнларга тарқаб кетди тевалари?
Сарсондирман тополмайин карвонимни.

Дунё ҳазин, дунё ҳазин кўзларима,
Одамлари ҳайрон ғамгин сўзларима.
Боқиб алам из қолдирган юзларима,
Ҳеч ким билмас дардимни ҳам дармонимни.

Шудринг эмас, тун ичра кўнгил йиғлаган,
Бир тун эмас, бу кўнгил минг йил йиғлаган.
Сингилларим сўйлашиб сел-сел йиғлаган,
Исми надир, билмайдирман, армонимни.

Уни гулу савсанлардан тиклагандим,
Хаёллари равшанлардан тиклагандим,
Ярқираган оҳанглардан тиклагандим,
Мунг босдику чарақлаган кўрғонимни.

Жимирлайди кўкда кузак юлдузлари,
Зирқирайди кўксимда ишқ илдизлари.
Нола қилсам кечалари, кундузлари,
Қайдин топгум кетган гўзал жононимни?

Ё раб, нечун бағрим бунча тилкаладим?
Лолазорга айландику елкаларим
Елкаларим узра бўйлар укаларим,
Аларга бер мен бой берган имконимни.

УСТОДИ АББАЛ

Болаликдан бир ғаройиб тахтда бўлдим,
Ой, юлдузлар бирлан мудом аҳдда бўлдим.
Сўкмоқлардан, оқ, заъфарон далалардан
Мен заъфарон сўзлар териб катта бўлдим.

Сабоқ олдим янчилмаган сомонлардан,
Умр иси келиб турган чопонлардан.
Ғариб пахса деворлардан олдим савод,
Билдим надир надомату надир савоб.

Қирларимдан зирқиратиб бағирларим
Паға-паға юзиб кетди сигирларим.
Не ҳикматни ҳам қарзу ҳам фарз бердилар,
Менга ул кун хору хаслар дарс бердилар.

Қалдирғочлар тўйларимда хизмат қилди,
Камбағални суйдим, бойлар иззат қилди.
Дилга кўчди умрий ранжу азиятлар,
Ўйчан, кекса тоқлар қилган насиҳатлар.

Мен шундайин сўзга тўлдим ичларимдан,
Ҳарф ўргандим уйларинг ҳам синчларингдан,
Ҳар қаричи, ҳар ғубори имло, юртим,
Ҳар бир тоши, ҳар чинори мулло, юртим.

ТОЛЕ

Ўғлон бўлса имони бут,
Хушфеъл, баркамол бўлса.
Кўкрагида тоғлар ухлаб,
Юрагида ёл бўлса.

Кўзларида чақинлар жо,
Юзларида дил пайдо,
Айтган сўзи гоҳи дарё,
Гоҳида шамол бўлса.

Қийғос гуллаб олчалари,
Зардоли, олмалари,
Ул оқ гуллар бир сулувга
Дарҳол оқ рўмол бўлса.

Ул сулувнинг кўрки ҳаё,
Сарпоси меҳру вафо,
Белларида қирқта кокил,
Тилларида бол бўлса.

Ўғлон бирлан шул сулувнинг,
Икки жилға тиниқ сувнинг,
Никоҳида қўш янгаю
Бир нуроний чол бўлса.

Ўшал оқшом осмон яшнаб,
Юлдузлар ҳам
бир-бир чақнаб,
Ҳовлидаги мажнунтолнинг
Шоҳида ҳилол бўлса.

Ўғлон бирлан иковлари,
Бу дунёнинг оловлари
Чирмашсалар тонггача, оқ
Дунёлари ол бўлса.

***

Энди сабр сополини синдирайин,
Айриликнинг лойқа сувин тиндирайин.
Бориб Сурхон бозоридан тулпор олиб,
Шу тулпорга сени шартта миндирайин.
Тун бўлсаю, тоғ бўлсаю, сўқмоқ бўлса,
Йўлда қанча чироқ бўлса сўндирайин.
Беркитайин ойни чуқур дараларга,
Қуёшни ҳам чиқмасликка кўндирайин.
Бўйнингдаги холингни сўнг аста олиб,
Лабингдаги холларингга қўндирайин.

ТИЛАК

Кўчалардан кўтариб ўтганинг бешик бўлсин,
Уйингдан чиққан овоз алла ҳам қўшиқ бўлсин,
Қиз кўрсанг Ширин каби ширин бўлсин, озода,
Ўғил кўрсанг камида Фарҳоддай ошиқ бўлсин!

ИЖОДКОР БОҒБОН

ЎЗБЕКИСТОН — боғлар ўлкаси. Бизнинг ерлар, бизнинг тупроқ шундай ажойиб ҳислатга эгаки, агар баҳор ойлари оддий бир таёқни унга суқиб қўйсангиз, у илдиз отиб келаси йил ҳосил берадиган дарахтга айланади. Бу ерда биронта одам топилмайдики, ҳар баҳорда ҳеч бўлмаса бирор туп дарахт экмаган бўлсин. Ҳар бир одам боғлар обод бўлиб, боғларга боғлар қўшилаверишини истаб яшайди.

Мана шундай боғларни қадрлаб, боғлар яратиб, бутун умрини боғларга бахшида этаётган боғбонларни доимо олқишлагим келади. Агар боғбон ижод боғида ҳам жавлон ураётган бўлса-чи?! Мен шундай табиат боғида ҳам, ижод боғида ҳам ўз ўрнига эга бўлган боғбон шоир, ёзувчилардан бири ҳақида бугун жимча сўз юритмоқчиман.

Ижодкор боғбон Ғани ака Абдуллаев мана ўттиз йилдан ошдиким, Зангиота туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалигида боғбон бўлиб ишлаб келмоқда. У узун-узун ишкомларда токкаячи билан боғ оралар экан, ҳар бир ниҳол, ҳар бир дарахт билан сирлашади, дардлашади.

Соҳибкорман, ҳураман —
Ишкомларни оралаб,
Бачкиларни юламан
Новдаларни саралаб, —

деб ёзади Ғани Абдуллаев. У кейинги ўн-ўн беш йил ичида болалар учун талайгина шеърлар, эртаклар, ҳикоялар яратди. Бу асарларнинг бир қисми шоирнинг «Содда гулларим». «Боғбон қалби», «Жийдага осилган беланчак» китобларида чоп этилди. Бу асарларда шоир кишиларни ҳалол, меҳнатсевар бўлишга, она ер ва табиатни кадрлашга ундайди. Мана, тингланг-а:

Қўлимдадир
олтин калит,
Бахт юлдузим
ёрқин калит.
Ясалган у манглай тердан
Ерни боққан
чин меҳрдан.
Ясалган у ғайратимдан
Тоғдек вазмин
Саботимдан.

Ғани аканинг болаларга атаб ёзган шеърлари содда ва равонлиги билан ажралиб туради. Бу шеърларни болалар жуда тез ёдлаб оладилар. Ёдлаб оладилар юракларига Ватан ва ўлка, боғ ва дала, ўзбек юрти боғ-роғларининг ширин-шакар мева-чевалари, фаслларнинг турфа ранглари жо бўлади. Шоир боғларда мўл-кўлчиликни барралла куйлади:

Ҳар бошоқда,
Сўлим боғда
Мўл-кўлчилик
Куй назми.
Уфқда қизир,
Жимир-жимир...
Қуёш бобом
Нур базми!

Шоир бир шеърида:

Ишга боғлиқ, ер феъли,
Бефарқ сепма уруғлар.
Тилин топсанг, ер саҳий,
Меҳнатингни улуғлар, —

деб ёзади.

Бу гапни Ғани Аьдуллаев гўё ўзи ҳақида ёзгандай. У кеча-кундуз боғда ишлайди, тер тўкади, меҳнат қилади. Дам олиш чоғларида ҳам тиним билмайди. Қилаётган ишлари ҳақида фарзандларига бир гап айтгиси келиб шеър, ҳикоя, эртаклар ёзади.

Боғбон олтмиш ёшни қоралаб қўйди. Аммо ҳалол меҳнат қилган киши қаримайди, шоир ҳали йигитлардай бардам. Қўлида қалами ҳам янги-янги асарлар ёзишга шайланиб турипти.

Сўзим мағзини,
Чақиб кўр, болам.
Ишласа, асло
Қаримас одам!

ТУПҚИН.

ТЕЛЕВИЗИОН ДАСТУРЛАРИ

ДУШАНБА, 24

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Вася исмли бола ва овчи мушук ҳақида". Мультфильм.
18.20 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
18.55 "Ўзбек давлатчилиги тарихи".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборoти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.30 Телеоператор нигоҳида: "Хива".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборoти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Ватанни севмоқ иймондандир..."
22.20 УзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 1-қисм.
23.40 Эълонлар.
23.45—00.10 "Ўзбекистон" ахборoти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси тақдимотида:
18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Шифокор билан мулоқот".
19.45 "Деҳқон ҳиммати".
20.15—21.50 "Ҳамма нарсани бир лаҳза ҳал қилади". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10—20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—00.20

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Дўстлар сайёраси".
19.30 "Ўзбекистон" ахборoти (рус тилида).

*

"ОМАД" тақдимотида:
19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео — "О".
23.20 Эълонлар.
23.25 "Курьер".
23.45 "...яна об-ҳаво ҳақида".
23.55—00.05 "Постфактум".

СЕШАНБА, 25

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 1-қисм (такрор.).
9.20 Немис тили.
9.50 "Кашф этилаётган имкониятлар".
10.10 "Абитуриент-95". Физика.
10.50 "Ёшлик" студияси. "Мактубларингизни ўқиб".
11.20 — 13.20 "Умидлар йили". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Беодоб бола". Мультфильм.
18.20 "Таълим ва ислоҳот".
18.50 "Муножат қилса кўнгиллар". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова ва хонанда Раҳима Носировалар куйлайди.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборoти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ижоднинг қўш қаноти". Ойбек таваллудининг 90 йиллигига.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборoти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мен туғилган тупроқ".
21.50 УзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 2-қисм.
23.10 "Олтин мерос". Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова.
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахборoти.

ЎзТВ II
"ОМАД" тақдимотида:
18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Табиат дунёси".
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.25 Видеогид.
21.45 "Теле-ателье-шоу".
21.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.35—00.15 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30—8.00

***

18.10—20.40

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.40—23.55

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Ёзги боғ". Телефильм.
19.05 Шарқ тароналари.
19.30 "Ўзбекистон" ахборoти (рус тилида).
19.50 "Вазият".
20.20 "Қиймат ва қиммат".
20.55 "Чинсэн" (корейс тилида).
21.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.45 "Соккер-клуб".
22.30—22.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 26

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 2-қисм (такрор.).
9.20 "Ёшлик" студияси. "Ёшлар ва замон".
10.00 "Абитуриент-95". Математика.
10.30 "Теран томирлар". Адабий кўрсатув.
11.00 Шифокор маслаҳати.
11.10—13.10 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18,00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Қўнғироқча".
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 "Буни умр дерлар..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборoти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров куйлайди.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборoти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Фармон ва ижро".
22.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 3-қисм.
23.50 Эълонлар.
23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахборoти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси тақдимотида:
18.30 "Ўзим ҳақимда..."
19.00 "Мусиқий меҳмонхона".
20.00 "Оқ йўл!"
20.20 "02" тўлқинида.
20.45 "Тошкент оқшомида".
21.45—23.25 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30—8.00

***

18.10—20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—23.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Салом, Тошкент!" Сосо Павлиашвили куйлайди.
19.30 "Ўзбекистон" ахборoти (рус тилида).

*

"ОМАД" тақдимотида:
19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45—23.45 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 3-қисм (такрор.).
9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.50 "Қишлоқ стадионларида".
10.10 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
10.40 "Аньана ва замон".
11.30—13.30 "Ёшлик" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Гулғунчалар".
18.30 "Ҳуқуқий жамият сари".
18.55 "Фан уфқлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборoти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Рақслар гулдастаси".
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборoти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениеси вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Жиззах вилояти.
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 4-қисм.
23.30 Эълонлар.
23.35—24.00 "Ўзбекистон" ахборoти.

ЎзТВ II
"ОМАД" тақдимотида:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 Кўнгил.

ЖУМА, 28

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 4-қисм (такрор.).
9.20 Немис тили.
9.50 "Ёшлик" студияси. "Мўъжизалар оламида".
10.20 Халқ ижодиёти.
10.50 Сирдарё вилоят Боёвут тумани "Ширинжон" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
11.20 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!"
11.50 "Хотира". Теша Сайдалиев.
12.30 — 14.30 "Маърифат" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат ғунчалари".
18.55 Санъат олами.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборoти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!"
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборoти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Маърифатнома".
22.00 "Ҳофизлар хониш қилганда".
22.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 5-қисм.
23.50 Эълонлар.
23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахборoти.

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси тақдимотида:
18.30 Ёшлар ижро этадилар.
19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.30 "Билиб қўйган яхши!"
19.55 "Маънавий камолот".
20.20 "Шаҳар юмушлари".
21.20—22.45 "Хевсур қиссаси". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30—8.00

***

18.10—20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—00.20

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Сантa-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахборoти (рус тилида).

*

"ОМАД" тақдимотида:
19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Компьютер-Осиё".
21.35 "Ҳамма табассум учун!".
22.05 "Америка юлдузлари".
22.35 Эълонлар.
22.40 "Даракчи".
22.50 Эълонлар.
22.55 — 00.35 Видео — "О".

ШАНБА, 29

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 5-қисм (такрор.).
9.20 Халқаро конкурс лауреатларининг концерти.
10.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".
11.00 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".
12.15—14.15 "Маънавият" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 "Ёшлик" студияси. "Иқбол".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахборoти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Мозийга бир назар".
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахборoти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Азим Муллахонов ва Юлдуз Абдуллаева концерти. "Туркистон" саройидан ёзиб олинган.
22.20 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" тақдимотида:
9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Табиат дунёси".
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.55 Видеогид.
12.15 "Теле-ателье-шоу".
12.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
14.45 —18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

***

"Тошкент" студияси тақдимотида:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 Ёз ҳикоялари.
19.50 "Менинг кўчам".
20.10 "Пульс". Хабарлар.
20.20—22.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.25—20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—01.00

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Уммондан томчи".
10.35 "Безнен мирас" (татар тилида).
11.15 "Умид" (уйғур тилида).
11.55 — 13.00 "Бунча ёқимтой бўрилар". Болалар учун фильм.

* * *

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 "Чинор барглари". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахборoти (рус тилида).
19.50 "Ёшлик" студияси. "Гул ва...".
20.25 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
21.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.10 "Рангинкамон" (тожик тилида).
21.55 "Бу ажиб дунё".
22.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.25—23.25 "Деҳқон даладан қайтди".

ЯКШАНБА, 30

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.15 "Кувноқ стартлар".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Қўшиқларим сизга армуғон".
11.30 "Оталар сўзи— ақлнинг кўзи" почтасидан.
12.30 "Ханда". Телевизион миниатюралар театри.
13.30 —15.30 "Нурли келажак". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Мультипанорама".
18.30 "Бир ялқовнинг ҳийласи". Болалар учун телеспектакль.
19.05 "Ойнаи жаҳонда..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Санъат усталари". Халқ артисти Саодат Қобулова.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎзТВ экранида— киноко-медия. "Кўзларим йўлингда" ("Ўзбекфильм").
22.55 Эълонлар.
23.00—23.30 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" тақдимотида:
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Видео янгиликлари.
11.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.45 — 14.30 "Кинонигоҳ".

***

17.00 "Совға".
17.30 "Салом, Ёшлар!"
18.10 Жаҳон географияси.
19.00 Эълонлар.
19.05 Видео—"О".
20.45 Эълонлар.
20.50 "Курьер".
21.10 "... яна об-ҳаво ҳақида".
21.20 "Постфактум".
21.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 "Теле-ателье-шоу".
22.10 "Ҳамма табассум учун!".
22.40 Эълонлар.
22.50 "Даракчи".
23.00 Эълонлар.
23.05—00.45 Видео—"О".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.20—21.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—00.05

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Аэробика.
9.15 "Жонли сайёра".
9.45 "Эй! Тонгингиз ҳайрли бўлсин!" Мультфильм.
10.15 "Коллекция".
10.35 "Менинг кўчам".
10.50 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.35—12.45 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

* * *

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.00 "Ташрифлар ва таклифлар".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Сизга таъзим".
20.30 "Интилиш" (Экология ва саломатликнинг халқаро муаммолари ҳақида).
21.10 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.10 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.20 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
23.00 "Бу ажиб дунё".
23.20—23.30 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ХАФТАЛИК TV КЎРСАТУВЛАР

Инсон одоби билан гўзал

Мавзуни журналист, ёзувчи Мақсуд ҚОРИЕВ олиб боради

ХУШМУОМАЛАЛИК - ЯРИМ БАХТ

БИР юртнинг донишмандлари тўпланишиб, қандай одамлар бахтли ҳаёт кечиради, деган саволни ўзаро муҳокама қилишибди. Донишмандларнинг бири мансабдор ва бадавлат киши бахтлидир деса, иккинчиси чиройли ва хушовозлар бахтиёр дебди. Учинчи донишманд шоир ва олим кишилар бахт топади, деб ишонтиришга ҳаракат қилибди. Сергайратлик ва меҳнатсеварлик ҳам бахт манбаидир деган ва яна бошқа кўп фикрлар ўртага ташланибди. Ҳар ким ўз фикрини тасдиқлаш учун салмоқли далиллар келтирибди.

Донишмандлар тортишатортиша, бу хусусиятларнинг ҳеч бири ёлғиз ҳолда кишиларга том маънодаги бахтни бера олмайди, деган хулосага келишибди. Ҳатто инсоннинг энг олий фазилати - меҳнатсеварлик ҳам кишини юксакликка кўтара олмайди. Одам меҳнаткаш бўлсаю, айни пайтда сержаҳл, ғийбатчи ёки димоғдор ва гиначи бўлса, унинг ҳамиша душмани кўп бўлади, умри жанжал билан ўтади. — Шунинг учун, - дебди донишмандлардан бири, - хушмуомала одам ўз бахтини топади, чунки унинг душмани бўлмайди, дўстлар даврасида яшайди.

Бу фикрни донишмандлар якдиллик билан қувватлаётганларида кўпни кўрган бир нуроний мўйсафид суҳбатга аралашиб дебди:

— Азизларим, хушмуомалалик ярим бахтдир. У бахт эшигини очишга мумкин холос, бироқ бу билан бахтни узоқ ушлаб бўлмайди. Ўзингиз ўйланг, одам хушмуомала бўлса-ю, меҳрибонликни ва ғамхўрликни билмаса, бировнинг мушкулини осон қилмай, фақат ўзининг шахсий манфаати учун иш юритса ҳурматга сазовор бўлмайди, бора-бора яккаланиб қолади. Ҳатто бу тоифадаги кишиларни «шайтон одам» ҳам дейишади. Хуллас, хушмуомалалик замирида меҳнатсеварлик ва ғамхўрлик қайнаб турсагина, бундай одам умрбод бахтли ҳаёт гаштини суриши мумкин.

— Хўш, меҳрибонлик нимадан бошланади? - деб сўрашибди мўйсафиддан. Шунда нуроний:

— Энг олий калом - ассалому алайкумдан, - деб жавоб қилибди. Масалан, хотин эрнинг ишдан қайтишидан олдинроқ болалари билан ҳовли ва хоналарни тозалайди, кўрпача ва ёстиқларни тўшайди, дастурхонни тузайди. Аёл киши ўзини тартибга солиб, ёқимли кўринишда бўлишга ҳаракат қилади. Халқимиз «Онангни отангга бепардоз кўрсатма», деган мақолда ҳикмат кўп. Кечкурун оила султони кун бўйи рўзғор ташвишида ўзини юз ёққа уриб, чарчаб ва толиқиб уйига келади. Шу дақиқа она бошчилигида болалар югуришиб келиб, уни хурсандчилик билан қарши олишади. Оила меҳри отани тетиклаштиради, ғайратини оширади, завқлантиради ва уйга бўлган муҳаббатини метиндек мустаҳкамлайди. Натижада ота ҳамма вақт уйига шошилади, орзиқади ва оиласи учун тинимсиз меҳнат қилгиси келади. Меҳрибонлик ипларн барча оила аъзоларини бир-бирига чамбарчас боғлайди. Бундай оилада фарзандлар меҳнатсевар, одобли, меҳрибон ва фаросатли бўлиб етишадилар. Ахир «қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек, ота-она меҳр-муҳаббати, оилага садоқати фарзандлар учун яхши ибрат бўлади.


Қарс икки қўлдан чиқади. Аёлнинг меҳрибонлигини эркак ҳам ниҳоятда қадрлаши, унга содиқ бўлиши, кўнглини овлаши, вақти билан совғалар ҳадя қилиши ва уй-рўзғор ишларига кўмаклашиши лозим. Эркак киши меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, хушмуомалалик, сахийлик, меҳмондўстлик, мардлик ва содиқлик сингари олий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирмоғи лозим. - Бордию, деб давом этибди ўз сўзида мўйсафид, - хотин эри ишдан келганда бошини боғлаб, ҳадеб ўзини касалликка солиб чўзилиб ётаверса, ҳовли-уйлар ифлос бўлса, болалар қаердадир санғиб юришган бўлсалар, у вақтда унинг кайфияти бузилади, чарчоғига чарчоғ қўшилади.

Табиатан дангаса ва бепарво хотинлар меҳнат ва меҳрибонлик қилишдан кўра ўзларини касалликка солишни афзал кўрадилар. Бу қайталай борса, унга одатланиб қолинади. Пировардида бундай аёллар чинакам касалликка чалинади. Чунки ўзини уринтирмаслик ва ишёқмаслик касалликнинг уясидир. Ишёқмас аёлларнинг куч-қуввати тилига тўпланиб, ғийбат, ҳақорат ва жанжал қилишга берилиб кетадилар. Натижада андиша ва хижолат улар учун аҳамиятсиз бир нарсага айланиб қолади.

Оиладаги эътиборсизлик эркакнинг ҳам, хотиннинг ҳам кўнглини совутади. Эркак уйига шошилмай чойхоналами, ошнаогайнисиникидами ва бошқа жойларда санғиб юришга одатланади, уйга ухлаш учунгина келадиган бўлиб қолади. Шу тариқа ота, хотин ва фарзандлар бир-биридан узоқлашиб борадилар, бебошлик ва оқибатсизлик юзага келади. Бундай оиладаги фарзандлар дангаса, тартибсиз ва муғомбир бўлиб етишадилар. Пировардида, оилада чиқишмовчилик ва жанжал тобора авжига чиқиб, одам бахтсиз ҳаёт гирдобида яшашга мажбур бўлиб қолади...

Хуллас, инсон хушмуомалалик, меҳрибонлик ва ғамхўрлик ипларини қаттиқ боғлабгина тўла бахтга эришиши мумкин, деб хулоса қилибди мўйсафид. Донишмандлар унинг сўзларига қўшилишибди.

ҲАМИД ЗИЁЕВ,
Тарих фанлари доктори, профессор.



Ёшларга ўгитим

ДУНЁДА ХУСУМАТДАН ЁМОН НАРСА ЙЎҚ

Дунёда бировга хусумат қилишдан ёмон нарса йўқ. Занг пўлатни ҳам ишдан чиқаради, дерлар бобокалонларимиз. Хусумат ҳам шундай. Тотув оилани бузади, энди камолот сари йўл олган ёш тадбиркор, олим, ижодкор ё бўлмаса давлат арбобини оёғига болта уради. Хусумат, иғво туфайли қанчадан-қанча ақли расо донишмандлар жувонмарг бўлиб кетган.

Донолар дебдурларки, агар сен чин инсон бўлсанг, зарур жойда душманинг ҳақида ҳам адолатли фикр айтгил деб. Бизлар кекса авлод кишилари ўз ҳаётимизда кўп нарсаларни кўрдик, билдик. Ёдимда, бир вақтлар вилоят партия қўмитасида бир ёш кадр ҳақида сўз кетганда, ташкилий бўлимда ишлайдиган бир танишим ўша бўлажак туман котиби ҳақида ноҳақ фикр айтиб юборди. Кейин билсам, унга илгаридан хусумати бор экан. Ўша йигитнинг шоҳи синиб, анча вақтгача ўзига келолмай юрди. Охири ўқишга кетади. Ҳартугил, ҳақиқат ҳеч қачон синмайди, деганларидек ўқишдан қайтиб келгач, туман партия қўмитасига биринчи котиб бўлиб сайланади. Кейин кўтарилиб кетди. Хусуматчи бўлса, ўз оёғидан илиниб, анча вақтга қадар ишсиз юрди. Кейин, тақдири нима бўлганлигини билмайман.

Демоқчиманки, ҳар бир инсоннинг юраги пок бўлса, ҳамиша яхши ният қилса ҳеч қачон кам бўлмайди. Айтайлик, бир одамнинг уйига меҳмонга бордингиз. Сизни иззат-ҳурмат билан кутиб олди. Уйлари-жойлари сарамжон-саришта. Рўзғорлари бут. Сиз унинг меҳмонисиз. Ҳаёти, туриш-турмушини кўриб хусумат қилманг. Яхши ният қилинг, Аллоҳдан менга ҳам шундай бахт-саодатли турмуш ато эт, деб илтижо айланг.

Ҳикоят

Султон саройида ақл-заковат ва фаҳм-фаросатда ягона бир амирзодани кўрдим. Ҳали гўдаклик вақтларидаёқ пешонасида буюклик аломатлари намоён эди.

Ақлли манглайи устида сўзсиз
Порлаб турган каби бир ёруғ юлдуз.

Хулосаи калом, султоннинг наздида мазур бўлди, чунки суратда соҳибжамол, ақл-идроки баркамол эди. Донишмандлар ҳақ гапни айтганлар: «Бойлик молда эмас, камолда, ақл ёшда эмас, бошдадир». Кунлардан бир кун амирзоданинг ҳамқатори бўлган бир гуруҳ мансабдорлар амалига ҳасад қилиб, уни хоинликда айбладилар ва ўлдиртириб юборишга беҳуда уриндилар.

Душман на қилур, дўстинг агар бўлса меҳрибон.

Султон амирзодани ўз ҳузурига чорлаб, ундан: «Уларнинг сенга бунчалик хусумат қилишларининг боиси нима?» деб сўради. Амирзода шундай жавоб берди: «Шаҳаншоҳимнинг сояи давлатларида - илоҳим, давлатлари барқарор бўлсин - ҳаммани ўзимдан рози ва мамнун қила олдим, аммо ҳасадчиларни рози ва мамнун қилиш учун мен неъмату давлатимдан маҳрум бўлмоғим керак».

Бу ҳикоят Шайх Саъдийнинг «Гулистон»идан олинди. Маъносини бир яхшилаб чақиб кўринг. Шарқ алломаларининг китоб ва рисолаларида, одоб-ахлоқнинг энг муҳим асослари донишмандлик билан ишлаб чиқилган. Мафкурамизнинг асосий йўналишлари белгиланган. Мустақил Ўзбекистонимиз ёшлари бобокалонларимиз қолдирган бебаҳо мероснмизни қунт билан ўрганишлари лозим. Юксак одобахлоқли, элга, Ватанга содиқ бўлган соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишда ана шу бебаҳо мероснан фойдаланишимиз даркор.

Жўра ХОНАЗАРОВ,
Республика аҳамиятига молик фахрий.

Футбол



«Ҳалол» кураш

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ГАРРИНЧАНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРИ

Шундай қилиб у кетди...

Уни бежиз Гарринча дейишмасди. Бразилия ўрмонларида яшайдиган жажжи қушча номи билан аташганди уни. У ана шу қушдек нотавон ва содда эди. Бутун умри давомида. У ҳеч қачон қанча пул олаётганлиги ва қанча олиши мумкинлигини билмасди. Қанча тўлашса, индамай олиб кетаверарди. 1958 йилда, Швециядан қайтиб, у Пау Граиддаги ўзининг севимли Доди деган қаҳвахонасида пайдо бўлди. Бу ерда дўстлар билан неча оқшом пивохўрлик қилди, кашаса ичди. Ва ҳамма мижозларининг барча қарзларини тўлади. Ҳали ҳеч ким бунчалик сахийлик қилмаганди бу қаҳвахонада.

Леонидас-до Манэ, унинг замондоши — Пеле, бизнинг кунларда Ромарио ўз шон-шуҳратидан фойдаланиб, ҳеч жон куйдирмай пул топа олишар, банк счетларига, акциялар шитирлашига, тангалар жарангига ўзларининг катта шуҳратини жалб эта олардилар. Улар нигоҳлари нимага тушган бўлса ҳаммасини олтинга, пулга айлантира олардилар. Гарринча эса аксинча. Ўз пулини (ёнида бўлганда, албатта) кўзига кўринган нарсага сарф қилиб юборарди.

Бу тантилик, бойваччалик нишонаси деб ўйласангиз хато қиласиз. У ҳақиқатан пулнинг қадрини билмас, уни санамас, дўсти учун эса, хоҳлаган вақтда ўзида нимаики бор бўлса, беришга тайёр турарди. Пау Грандда саккиз қизи, Эльзада яна олти қиз бўлишига қарамай ҳеч нарсани ўйламас, бугун кечқурун ёки эртага наҳорга улар ҳаммаси ва ўзи нима ейишини хаёлига ҳам келтирмасди. Унинг табиати шунақа эди.

Ҳаётининг охирида ҳам кичкинагина ночор кулбада (у ҳам бировга тегишли эди) яшади. Бу кулба Жакарепауга деган овлоқ жойда бўлиб, у тарафларга таксичилар боришдан бош тортар, машинага ўтирган йўловчи улуғ Гарринча эканлигини билиб қолишгандагина боришарди.

У ўзининг сўнгги интервьюсида ҳаётда икки нарсадан бошқа ҳеч нарсага афсуслнамаслигини айтган: бири — ўйин олдида ўзига укол қилишларига рухсат бергани ва иккинчиси — беҳуда контрактларга имзо чеккани. Ҳаётининг охирида афсус қилди, лекин кеч бўлди. Энди ҳеч ким унга ҳеч бир контракт тузишни таклиф қилмай қўйган пайтдагина бу ҳақда ўйлади.

Сўнгги бор у 1983 йил 13 январда одамлар олдида пайдо бўлди.Уни Сан Жоан де Мериттида болалар футбол мактабини очишга таклиф қилдилар. Бу Риодаги йўлтўсарлик энг авж олган макон.

Ўзидан ниҳоятда мамнун ҳолдаги Гарринча лентачани қирқиб, нималардир деди: бу футбол — қандай гўзал ўйин эканлиги, болалар футбол ўйнашга ўқиётганлиги қандай яхши эканлиги ҳақида сўзлар эди. У ҳатто қандайдир машқларга ўхшаш ҳаракатларни кўрсатди. Болаларга тўпни қандай қилиб тўхтатишни, чапга ёлғондакамига ташланиб, ўзи ҳам ... чапга қараб кетишини кўрсатди. Болалар унга анграйиб қарашар, бу семиз, қийналиб нафас олаётган қария ким эканлигини уларнинг ҳеч бири билмасди. Лекин қариянинг нима деяётганлиги уларга тушунарли эди: у болаларнинг тилида сўзлар, уларнинг ҳаёлида фикрларди.

У яна келишга ваъда қилди. Кейинги дарс кунини ўзи белгилади. Лекин қайтиб бу мактабда пайдо бўлмади. Бошқа ҳеч ерда ҳам.

У 20 январь пайшанба куни вафот этди. Қийноқда жон берди. Унга нимадир бўлганди. Дўхтирлар олиб кетиш керакмикан, деб узоқ ўйланишди: эҳтимол ухлаб турса ҳаммаси жойида бўлиб қолар... Кейин барибир олиб кетишга қарор қилишди.

Машинада у жуда оғирлашиб қолди. Силтанар ва бақирарди. Уни боғлаб қўйишди. Транквилизатордан укол қилишди. Беморхонада сал ўзига келди. Уни тинч қолдиришди. Кечаси эса у оҳиста бошқа дунёга равона бўлди, у дунё унинг учун эҳтимол бу совуқ ва ёвуз дунёга нисбатан меҳрибонроқ ва самимийроқ бўлгандир.

***

Гарринчанинг ўлими тўғрисидаги хабар Бразилияни ларзага солди. Бу пушаймонлик, виждон азоби ва номусда қолишнинг чўққиси эди. Бутун мамлакат талвасада ва изтиробда эди. Чамаси, эндигина кимни йўқотганликларини тушуниб етгандилар.

Унинг жанозасини черковда эмас, табиийки «Маракана»да ўқишди. Юз минглаб одам бу футбол қасрига видолашиш учун келди. Бу қасрни Манэ ўз даҳоси билан муқаддаслаштирган эди. Ветеранлардан Белини, Адемир, Барбоза ва албатта, энг содиқ, энг биринчи дўсти Нилтон Сантос бўлдилар. Ёш футбол юлдузлари йўқ эди. Пеле ҳам келмаганди. У дўсти учун ўз юрти Сантосда дуои фотиҳа қилажагини айтди.

Мотам кортежи «Маракана»дан Пау Грандгача бутун беш соат мобайнида изтиробгаги одамлар денгизини оҳиста ёриб борди. Мана шу Пау Грандда бир вақт Гарринча бу бевафо дунёга келган ва ана шу ерда энди абадийга қайтаётганди.

Наирдан туғилган саккиз қизнинг ҳаммаси отасини қабр ёнида кутиб олишди. Энди улар ҳафагарчиликни унутишганди. Саккиз қизнинг ҳаммаси: Эденир, Терезинья, Маринети, Синтия, Тереза, Сара, Дениза ва Сеслия шу ерда эдилар.

Бир ҳафтадан кейин «Америка Фабрик» корхонасидан чақириқ қоғози келишини улар ҳали билмасдилар. Бу фабрика бир вақтлар Гарринчага квартира совға қилган, ана шу квартирада унинг оиласи яшаб турарди. Энди фабрика турар-жойни бўшатишни талаб қилди.

Қабристон яқинидаги цемент девордаги қора бўёқда ёзилган: «СЕН ДУНЁДА ЯШАДИНГ, ШУНИНГ УЧУН РАҲМАТ, ГАРРИНЧА...» сўзлари узоқдан ҳам кўзга ташланарди.

С. МУСАЕВ тайёрлади.

(Бошн газетанинг аввалги сонларида).

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

● Донишманд ота дебди:

— Бир кишига ёлғондан муҳаббат ва ихлос қилиб, уни мунофиқона мақташ энг ярамасликдир. Бундай иккиюзлама мунофиқ кишилар асаларига ўхшайдилар, чунки асаларининг оғзида шакару, аммо дилида заҳар бордир. Баъзи мунофиқларнинг ёлғондан мақташлари, ихлос ва муҳаббат кўрсатишлари қиликларидан, сўзларидан дарров билинса ҳам, баъзи уста мунофиқларнинг самимий, чин кўнгилдан дўст эмасликлари кейинроқ билинади, ишлаган ишларидан тажриба билан маълум бўлади. Бундай мунофиқларнинг тилёғлама сўзларига ишониш аҳмоқлик аломатидир.

***

● Бир донишмандан сўрабдилар:

— Қайси айб, ярамас одат ҳамма яхши ҳунарни йўқ қилиб кўяди?

— Баҳиллик.

Яна сўрабдилар:

— Қайси яхши ҳунар ҳамма айбни босади?

— Сахийлик, — дебди донишманд.

— Энг ёмон сифат нима?

— Баҳиллик энг ярамас сифатлардан ҳисобланади. Баҳилликнинг сабаб ва белгилари уч хил: биринчиси, баҳил камбағаллик, муҳтожликдан кўрқиб зиқналик қилади, иккинчиси, мол-дунёни жуда севиб, йиғишга тиришади, учинчиси, нафсининг харислиги туфайли бошқа кишига ҳайр-эҳсон қилиш ҳақида гап бориб қолса, дарҳол сўзидан қайтиб, турли ҳийла-найрангга ёпишиб, ҳайр-эҳсон қилишдан бош тортади.

● Фисқи-фасод — қут-саодат душмани. Фасодчи элни бузувчи. Қут, яъни бахт-иқбол муқаддас бўлиб, у покликни тақозо этади.

● Яроқсиз ишлар, шошилмоқ, енгил-елпилик — тубан одамларга хос бўлган одатдир.

Юсуф Хос Ҳожиб.

***

ОТА — хонадоннинг кўрки, файз-баракаси. ОТА бор уйда осойишталик, тинчлик барқарор бўлур.

***

Отанинг қадри айниқса унинг вафотидан кейин билинади.

***

Уйнинг зийнати, кўрки онадир.
Она — бу меҳр-шафқат, ғамхўрлик.

САДОҚАТ СИНОВИ

Дунёда дўстликдан, қадрдонликдан яхши нарса йўқ, агар у чинакам, ҳақиқий ва беғараз бўлса. Инсондан буюк мавжудот йўқ, агар у бу синов дунёда шу номга лойиқ бўлиб қолса!

Оқибат

Дунёнинг ишлари қизиқ экан... Обрў, омад бисёр бўлиб қаерга узатган қўлинг етадиган, қаерга борсанг сўзинг ўтадиган, сенга мурожаат қилган ҳар бир кишининг мушкулини осон қилиш имконига эга бўлган даврингда дўстларинг, қадрдонларинг ҳам кўп бўлади. Ҳамма сен билан яқинлашишга, таниш-билишларини ўртага қўйиб, танишишга ҳаракат қилишади, қайдан бўлса ҳам сени топиб, бир суҳбатингни олиб, мулоқотда бўлишга интилишади.

Ўзбекнинг дарвозаси ва дастурхони дўсту-биродарлар учун ҳамиша очиқ. Хонадонимиз машҳур ижодкорлар учун, санъаткорлар учун, ҳамкасб биродарлар ва шогирдлар учун кундалик зиёратгоҳ эди. Муқаддас нону-туз тепасида ўша қадрдонларимизнинг дўстлик ҳақидаги баландпарвоз нутқларини тинглаб фахрланганмиз, қадимий донишмандлардан тўртликлар келтириб содиқлик, абадий дўстлик учун деб қадаҳларни сўнггигача сипқорганмиз.

Кунлар ўтди... давр ўзгарди. Бу нутқлар содиқлик, фидойилик ҳақидаги қасамёдлар ҳавойи гаплар бўлиб чиқди. Ҳа, бу ҳақиқатни мен ўз ҳаётимда синаб кўрдим. Турмушнинг мураккаблигига, баъзи бир одамларнинг ғоятда иккиюзламачилигига иқрор бўлдим.

Бошимга оғир кулфат тушди. Кутилмаганда автомобиль ҳалокатига учраб, оёқ суякларим синиб майиб бўлиб қолдим. Шифокорлар ўнг оёғимни кесиш керак деган қарорга келишган. Дастурхон тепасида дўстлик, содиқлик ҳақида ваъз қилмаган, аммо ёшликдан бирга ўсган дўстим Тоҳир Мирҳўжаев бу фикрга қаршилик қилиб, оёғимни сақлаб қолиш учун фидойилик қилди. Марҳум профессор О. Ш. Шокиров ва Ў. С. Исломбековга мурожаат қилишимни маслаҳат берди. Кун эмас, соат эмас, ҳар бир дақиқа ғанимат эди. Оила аъзоларим, жигарларим, дўстларим, қадрдонимиз Шуҳрат Хожимуродов ёрдамида дам олиш куни бўлишига қарамай, профессор Исломбековни топиб келишди. Ўткир Султонович О. Ш. Шокиров билан бамаслаҳат мени ўз клиникаларига олиб кетишди. Мен профессор О. Ш. Шокиров (Аллоҳ раҳмат қилсин уларни) тимсолида ҳақиқий шифокорга хос бўлган, аммо бугунги кунда камдан-кам учрайдиган беғараз фидойиликни кўрдим. Бу фидойиликдан, бу беғаразликдан ҳануз ҳайратдаман.

Саккиз ой шу касалхонада даволанган бўлсам, соғлиғимнинг ҳар бир кунлик масъулияти Ўткир Султоновичнинг нафақат шифокорлик, инсонийлик виждони зиммасида бўлди. Бу улуғ инсон саккиз ой ўз жигарини парвариш қилгандек меҳрибончилик билан мени даволади. Ўртамиздаги муносабат бузилмас қадрдонлик ипи билан боғланди. Шу кунгача қиёматлик ака-укамиз.

Давру даврон суриб, Рустаму достон бўлиб юрган қадрдонимиз оғир кунларда сиқилиб қолмасин деб ҳар куни ҳолимдан хабар олиб, соатлаб вақтларини мен билан шахмат даволаниш лозим бўлиб қолди. У ерда даволаниш учун йиллаб навбат кутиш лозим экан. Яна фидойи, мард инсонларнинг ёрдами қўл келди. Маънавий устозим, қадрдон акахоним Мақсуд Қориевнинг кўмаклари билан Елизаров қўлида даволандим.

Ўткир Султонович қўлидаги тўрт операция, Елизаров Г. А. қўлидаги бир операция камлик қилгандек 1988 йил ноябрь ойида яна бир операция бўлдим. Бу операцияни ёш, моҳир мутахассис 1-ТошМИ шифохонасининг жарроҳлик бўлими мудири Абдувоҳид Тошпўлатов қилди. Бу сўнгги операция бўлди.

Абдувоҳид ҳам беморни дардини даволовчи шифокоргина эмас, унинг қалбига малҳам бўлувчи инсон бўлганлигидан ойламизнинг қадрдонига айланди.

Аллоҳга минг шукрларким, соғайиб ҳаётга қайта туғилгандекман.

Ҳаёт экан... Биринчи бор жисмоний зарба олган бўлсам, навбат маънавий зарбага экан. Ота-боболаримиз дуо қилганда: «Ўт балосидан, сув балоси, тухмат балосидан асрагин» деб башорат қилишарди. Ўт балоси, сув балосини ёш бола ҳам англайди. Тухмат балосини бошига тушган одам тушунади.

Англашилмовчилик туфайлими, дўппини олиш ўрнига бошни олишга ишқибоз баъзи шахсларнинг хизмати биланми айбсиз айбдор бўлиб қолдик. Ҳаётнинг баланд пасти инсоннинг иродасинигина эмас, атрофдагиларнинг, дўстларнинг оқибатини, садоқатини ҳам синаб берар экан.

Асл ҳақиқат ҳеч қачон синмас экан, адолатли сиёсат ҳамиша устун келар экан.

Ҳуқуқий давлатимиздаги, сиёсатнинг адолатлилиги туфайли юзимиз ёруғ бўлди, ҳақиқат тикланди.

Шу ўринда бобокалонимиз Жалолиддин Румийнинг қуйидаги доно ўгитлари ёдга тушади:

«— Кумушнинг ташқи кўриниши оппоқ бўлса ҳам қўлда ва чўнтакда кўп тутилса қора юқтиради. Шунга ўхшаш баъзи одамларнинг сўзлари заҳирида кумуш каби порлоқ ва тоза кўринса ҳам, лекин қайғу ва зарар келтиради. Уларнинг сўзларига илиниб ғафлатда қолган содда дил одамнинг кўнгли қораланади, тубанлашади. Кўринишда гўзал, ҳақиқатда ёмонлик мисоли бўлган одамларнинг сўзларига қараманг, жамиятга қилган таъсирларига, ярамас хулқларининг натижаларига қаранг».

Бир инсоннинг бошига мушкул иш тушганда томошабин бўлган, ҳақиқатдан кўз юмиб, ҳар дақиқада дўстидан юз ўгириб кетиши мумкин бўлган виждони локайд одам юртининг бошига иш тушса, панага қочмайди деб ким ишона олади. «Мардингни номардга муҳтож қилмагин», дегинг келади.

Инсон учун энг олий дастур халқи учун хайрли ишни қўлдан келганича, имкони етганича бажармоқ, соф қалб, пок иймон билан яшамоқ. Шунда эл-юрт олдида ҳамиша юзингиз ёруғ бўлар экан.

Ушбу кичик мақолада мен ўз ҳаётим саҳифаларидан бир шингилгина келтирдим. Дунёда дўстликдан, қадрдонликдан яхши нарса йўқ, агар у чинакам, ҳақиқий ва беғараз бўлса. Инсондан буюк мавжудот йўқ, агар у бу синов дунёда шу номга лойиқ бўлиб қолса!

Марат Ўринбой ўғли Ғуломов,
Ҳуқуқ фанлари номзоди.

ЭЪЛОН

НАСЛЛИ МОЛЛАР ЭГАСИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ? МАРҲАМАТ!

Сизни 1995 йил 12 август куни эрта билан соат 10.00 да ўтказиладиган наслли моллар кўргазма

КИМОШДИ САВДОСИга ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Кимошди савдосига Тошкент вилояти наслчилик хўжаликларида парваришланган наслли моллар қўйилади. Бу зотли моллар нақд пулга, вексел ва банк чеклари орқали сотилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қизил шалола» наслчилик заводи.

Маълумотлар учун телефонлар: 98-33-90, 98-60-30.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ НАСЛЧИЛИК БИРЛАШМАСИ

Тошкент шаҳар Юнусобод /Киров/ туманидаги 17-ўрта мактаб томонидан ЗУМРАД АСКАРОВНА АБИТОВА номига берилган А 194731 рақамли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Ҳокими Маҳкамасининг Матбуот бошқармаси ва Бекобод шаҳар босмахонаси жамоалари босмахона муҳандиси **ШУКУРОВ ЭСОНБОЙ ЎРУНБОЕВИЧ ва унинг ўғли ОЛИМЖОН**ларнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар ва марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига сабр-бардош тилайдилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир муовини: **Раҳимберди УМАРОВ**

Манзилимиз: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.**

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0289. 17198 нусҳада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 17.30. 1 2 3 4 5 6

САБОҚ

Даврада қизир суҳбат,
Олим аёл сўз олди.
Тўмарис бизнинг аждод,
Биз жасурмиз деб қолди.

Ёдлаб берди Қуръондан,
Тушунтирди Ҳадисни.
Аёл экан суҳандон,
Лол этди тамом бизни.

Она бурчи, уй тутмоқ,
Бола боқмоқ, барини —
Айтди, қай йўсин
кутмоқ,
Ишдан қайтган ёрини.

Она буюк куч деди,
Усиз тўхтар мавжудот.
Аёлсиз бахт пуч деди,
Хуллас, ҳар гапи ҳикмат.

Суҳбат тугаб мезбонлар,
Келтиришди дастурхон.
Жондан ўзга бари бор...
Олма, узум, патир нон.

Олим аёл билимдон,
Аъло ўтди сабоқни.
Ана шу пайт барчада
Кўрдим ёркин мароқни.

Анора ПАРДАБОЕВА.